Ватанни севмак иймондандур!

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 2 август, сешанба № 123 (21.727). Сотувда эркин нархда

# ИСЛОҲОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИ— ИЗЧИЛЛИКДА

**Илгари хабар қилинганидек, 29 июль куни Вазирлар Маҳкамасида 1994 йилнинг биринчи ярмида иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш якунлари ва уларнинг самарадорлигини янада кучайтириш чора-тадбирларига бағишланган мажлис бўлди. Унда вазирликлар, давлат қўмиталари, уюшма, концерн, корпорациялар, маъмурий идораларнинг раҳбарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари иштирок этди.**

**Мажлисни Республика Бош вазири А. Муталов кириш сўзи билан очди.**

Мажлисда таъкидландики, жорий йилнинг ўтган даврида ислоҳотнинг босқичма-босқич, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилган ҳолда амалга оширилиши мамлакатимизда барқарорликни, осойишталикни, фуқаролар тотувлигини янада мустаҳкамлаш имконини берди. Халқ хўжалигининг кўп соҳаларида ижобий ўзгаришларга эришилмоқда. Жумладан, енгил саноат, озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бирмунча кўп ишлаб чиқарилди. Электр энергияси ишлаб чиқариш, нефть, газ ва кўмир қазиб олиш, нефтни қайта ишлаш соҳаларида ҳам маҳсулот ҳажми кўпайди.

Бозор муносабатларини қарор топтириш, мулкчилик шаклларини ўзгартириш юзасидан бир қанча ишлар амалга оширилди. Давлатга қарашли бўлмаган корхоналарнинг улуши саноатда 16 фоиз, қурилишда 25,2 фоиз, савдода 82,4 фоизга етди.

Молия, пул сиёсатини мустаҳкамлашга, халқ хўжалигининг янада барқарор ишлашини таъминлашга қаратилган Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Агар жорий йилнинг биринчи чорагида саноат маҳсулотининг умумий ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 7,5 фоиз камайган бўлса, кўрилган амалий чора-тадбирлар туфайли, ярим йиллик якунига кўра, бу камайиш 4 фоизга тушди.

Таққослаш учун: бу кўрсаткич Беларусда 31,5, Қозоғистонда 29,4, Россияда 25,8 фоизни ташкил этди. Ўзбекистонда нефть 62, кўмир 20, электр энергияси 1,5, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 4,4, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш 12,4 фоиз ўсди.

Шу билан бирга, халқ хўжалигининг айрим тармоқларида, айниқса кимё, машинасозлик қурилиш ашёлари саноатида ишлаб чиқаришнинг пасайишига йўл қўйилди.

Деҳқончилик саноати мажмуида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳам уларнинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатларига моддий таъсир қилганича йўқ. Буни Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилояти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Кўп жойларда давлат хўжаликларини мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтказиш номигагина амалга оширилган. Мулк ҳақиқий эгасини топмаган, меҳнатга ҳақ тўлаш тизими ўзгартирилмаган.

Қурилиш, транспорт ва алоқа соҳаларида, аҳолига тиббий ва маиший хизмат кўрсатишда ҳам кўпгина камчиликлар мавжуд.

Мажлисда республика Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Ярим йиллик иш якунларини таҳлил этар эканмиз, фаолиятимизнинг устивор йўналишларини белгилаб олишимиз, ислоҳот одамлар ҳаётига қандай таъсир кўрсатмоқда, уни амалга ошириш жараёни изчил кечяптими, биз бу йўлда нечоғли ижобий натижаларга эришдик, қандай камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилмоқда, олдимизда яна қандай вазифалар турибди, деган саволларга жавоб излашимиз даркор, деди Президент. Зеро, ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотдан асосий мақсад — республиканинг тўла иқтисодий мустақиллигига эришиш, ана шу асосда халқимизнинг турмуш даражасини яхшилаш, фаровонлигини оширишдан иборатдир.

Хўш, ислоҳот йўлидаги асосий муаммолар нималардан иборат? Уни янада муваффақиятли амалга оширишга нималар тўсқинлик қиляпти!

Шуни таъкидлаш керакки, республикада бозор муносабатларини шакллантиришнинг барча иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий асослари яратилган. Уни такрорлаб, изоҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Энди ҳамма гап — ана шу Фармон ва Қонунларга амал қилишда, танлаб олинган тараққиёт йўлидан оғишмай юра билишда, заҳматкаш, меҳнатсеварлик бобида дунёда тенги йўқ халқимизнинг самарали ишлаши учун барча шарт-шароитни яратиб бериб, уни улуғвор ишларга сафарбар эта олишдадир.

Амалда эса нима бўляпти? Бунёдкор халқимиз, айниқса деҳқонларимиз, пиллакору ғаллакорларимиз фидокорона меҳнат қилиб, юқори натижаларга эришмоқда. Ўзбекистон тарихида биринчи марта 1 миллион тоннадан зиёд ғалла тайёрлангани ҳам бор ҳақиқатни кўрсатиб турибди. Лекин ана шу пешона тери билан етиштирилган пилла, ғалла учун ҳақ тўлашни, деҳқонлар билан ҳисоб-китоб қилишни тегишли идоралар нега пайсалга соляпти? Ана шунинг натижаси да корхоналарнинг ўзаро қарзи кўпайиб кетмоқда.

Улар ҳозир 4 миллиард сўмни ташкил этади. Шундан тахминан 20 фоизи ҳамдўстлик давлатларига тегишли, буни ҳал этиш қийинлигини тушунамиз. Лекин ўзимизда қолган қисмини, хусусан, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги 2 миллиард сўм қарзни ечиб берса бўлади-ку!

Ғаллакорлар 1 миллион 300 тонна ҳосил топширибди. Бу 550 миллион сўм пул бўлади. Шундан 157 миллион сўм тўланган, холос. Мен жанубий вилоятларда сафарда бўлганимда деҳқонлар, хўжалик раҳбарлари билан гаплашдим. Кўпчилиги пулини ҳали ололмаган. Пилла, картошка масаласида ҳам аҳвол шундай. Молия вазирлиги Марказий банк раҳбарлари, алоқадор вазирликлар, ташкилотлар билан бу масалани тезда ҳал этиши, ҳисоб-китоб ишларида қатъий тартиб-интизом ўрнатиши зарур.

Кишини ташвишга солаётган яна бир масала макроэкономика, яъни илгари иттифоқ тасарруфида бўлган, фаолияти ҳамдўстлик мамлакатларидаги таъминотчиларга боғлиқ катта-катта заводлар тақдиридир, деди Ислом Каримов. Хўжалик алоқалари узилиб қолгани боис бу корхоналарнинг деярли барчаси маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириб юбормоқда.

Собиқ Иттифоқ парчаланиб кетганига уч йил бўляпти. Ўшандан буён аҳвол шу. Нима, энди тақдирга тан бериб, қўлни қовуштириб ўтираверамизми! Қаранг, Олмалиқ кон-металлургия комбинатига Россия шпал, ёғоч, шар ва риагент каби ишлаб чиқариш учун зарур маҳсулотларни бермаётган экан. Ундай бўлса, нега корхона ишлаб чиқарилган миснинг 50 фоизини шимолий қўшнимизга жўнатмоқда? Аслида кимнинг маҳсулоти қимматлироқ: шпалми ё мисми? Шунга қараб иш тутсак, ўз шартимизни қўйсак бўлмайдими?

Бундан шундай хулоса чиқадики, макроэкономика таркибига кирувчи ана шу заводларнинг раҳбарлари таъминотчи ва шерикларини ҳам элакдан ўтказиши, сўзида турмайдиган, ишончни оқламайдиганлари бўлса, улар билан ҳисоб-китобни ёпиб, бошқа давлатлардан ҳамкор излаши, янги хўжалик алоқаларини боғлаши керак. Зарур бўлса, ишлаб чиқариладиган маҳсулот турини, заводларнинг йўналишини ўзгартириш лозим.

Шу йил 1 июлдан мамлакатимизда миллий валюта— сўм муомалага киритилди. Мустақиллигимизнинг яна бир рамзи ўзининг бўй басти, кўрку чиройи билан зоҳир бўлиб, кўзларимизни қувонтирди.

Сўмнинг харид қобилиятини мустаҳкамлаш, қадрини туширмаслик энг долзарб вазифалардан биридир, деди таъкидлади Президент. Бу эса биздан қаттиқ молия-кредит сиёсатини ўтказишни, товар билан таъминланмаган пулнинг муомалада бўлишига йўл қўймасликни талаб этади. Чунки, бусиз инфляцияни жиловлаб бўлмайди.

Инфляция — пулнинг қадрсизланиши нимадан келиб чиқади? Бу — ишлаб чиқарилган маҳсулот билан муомалада юрган пул ўртасидаги мувозанатнинг бузилишидир. Ўринсиз имтиёзли кредитлар бериш, корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ўрнига нархни сунъий равишда ошириб, даромад топиши — бу ҳолнинг асосий сабабларидир.

Қарзга ботган, зарар кўриб ишлаётган корхоналарга маош тўлаш учун кредит беришга энди йўл қўйиб бўлмайди. Лекин ҳокимлар, ана шу корхоналарнинг мутасадди раҳбарлари бу ҳақда бош қотиряптими, йўқми?

Шуни ҳамма теран англаб етиши керакки, энди ортиқча пулнинг муомалада бўлишига йўл қўйилмайди. Чунки бунинг аччиқ «мева»сини тажрибада татиб кўрдик. Бир мисол. 1993 йилнинг баҳорида тайёрлов идораси ходимларига аҳолидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш учун 50 миллиард рубл нақд пул берилган эди. Унинг 8 миллиарди талон-тарож қилингани аниқланди. Бу шоввозлар аҳолининг ризқ-рўзини ўйлаб берилган пулга озиқ-овқат, ғалла олиб келиш ўрнига ўзлари ва айрим ҳомийларининг манфаатини кўзлаб турли машина телевизорлар сотиб олган. Бунга кимдир жавоб берадими, йўқми? Бу нима деган гап? Шу даражада ҳам ноинсофлик бўладими?

Мамлакатда хусусийлаштириш жараёни ҳам кўнгилдагидек кечмаяпти, дея давом этди Президент. У фақат расмиятчилик учун амалга оширилгандек таассурот қолдиради. Савдо, маиший хизмат соҳаларида бу иш гўё тугалланган бўлса-да, амалда моҳият деярли ўзгармади.

Мен Сурхондарё, Қашқадарё ва Самарқандда ишчилардан, корхонангиз хусусийлашибди, аввалгидан қандай ўзгариш бор, деб сўрадим. Афсуски, аниқ жавоб ололмадим. Биз акция деган сўзни кўп ишлатамиз. Лекин оддий меҳнаткашларда бу ҳақда тушунча кам. Чунки бизда ҳали ҳам мулк ҳақиқий эгасини топгани йўқ. Акс ҳолда турли хил боқиманда ташкилотларнинг, масалан, турли «торг»ларнинг кимга кераги бор. Ҳақиқий дўкондор молни ўзи топиб, ўзи олиб келиб, ўзи сотаради!

Транспорт соҳасидаги қийинчиликлар тўғрисида кўп гапирамиз. Ҳолбуки, турли ташкилотларда, айниқса автокорхоналарда баъзи эҳтиёт қисмлари йўқлиги туфайли тўхтаб ётган ўнлаб юк машиналари, автобуслар бор. Нега уларни фуқароларга шахсий мулк қилиб сотиш мумкин эмас? Шундай қилинса, шахсий мулк эгаси таъмирлашни ҳам ўзининг зиммасига олади, эҳтиёт қисм ҳам топади, муҳими, одамларга хизмат қилади.

Меҳмонхоналарни, хусусан, хорижий шериклар иштирокида бунёд этилаётган Тошкент, Бухоро ва Самарқанд шаҳридаги меҳмонхоналарни чет эллик сармоядорларга сотиш тўғрисида топшириқ берилганига анча бўлди. Лекин амалда ҳеч бир иш йўқ. Гап унинг нархида — арзон ёки қимматлигида ҳам эмас. Биродарлар, тушунинглар, шу иш амалга ошса, бу меҳмонхоналарга сайёҳлар келади, ўзларининг доллар, марка, иенларини ташлаб кетади, ахир! Қоларверса, шаҳарларимизга юксак хизмат кўрсатиш маданияти кириб келади, одамларимиз улардан иш ўрганади.

Хусусийлаштириш борасидаги муаммоларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, кўплаб раҳбарлар онгида эски тузум асоратлари қаттиқ ўрнашиб қолган. Улар, аввало, мулкни қўл остидан чиқаришдан, хусусий мулк эгаларининг кўпайишидан қўрқади. Рақобатчилар пайдо бўлишини истамайди. Ҳолбуки, бозор иқтисодиётининг асосий ривожланиш омили, халқ турмушини тўкин-сочин қиладиган манба, бу — ишлаб чиқаришда, хизмат кўрсатишда ва бошқа барча соҳалардаги соғлом рақобатдир.

Ўзбекистон — улкан қишлоқ хўжалик тизимига эга бўлган мамлакат, деди Президент. Бу соҳада қўлга киритган ютуқларимизни, пахта, пилла, сархил меваларимиз довруғини бутун жаҳон билади. Лекин бу борада ҳам фойдаланилмаётган имкониятлар жуда кўп.

Қишлоқ хўжалиги тизимини ислоҳ қилиш, хусусийлаштиришни амалга оширишда бир нозик масала борки, бу — ер ислоҳоти, яъни, кимга, қанча ер ажратиб бериш керак деган муаммодир.

Ҳозир биз кўп давлат хўжаликларини мулкчиликнинг янги — жамоа, оилавий, ижара шаклларига ўтказдик. Деҳқон (фермер) хўжаликлари ташкил этдик. Лекин, уларнинг келажаги қандай бўлади, деган савол ҳамон кўндаланг турибди. Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг эса бу борада аниқ дастури ёки бирон амалий таклифи йўқ. Ваҳолонки, ер ҳақиқий эгасини топмас экан, бу соҳадаги ислоҳот олға босмайди.

Шу маънода олимларимиз, иқтисодчиларимиз бу муаммони ўрганиб чиқишлари, бизга ҳар жиҳатдан мукаммал тавсияларини беришлари керак.

Биз ҳисоб-китоб қилиб кўрсак, Жанубий Кореяда 42 миллион аҳолига — 2 миллион 100 минг, Ўзбекистонда эса 22,5 миллион одамга — 4 миллион 200 минг гектар суғориладиган ер тўғри келар экан. Демак, бизнинг онгимизга сингиб қолган Ўзбекистонда ер кам деган тушунча ҳам унча тўғри эмас. Фақат бизда ерда ишловчилар, тирикчилигини деҳқончилик билан боғлаган одамлар кўп. Модомики, шундай экан, саноатни, хизмат кўрсатиш соҳаларини қишлоққа олиб келиб, одамларга даромад топиш учун шароит яратиб бериш керак. Шу тариқа ерда ишловчилар сонини ривожланган мамлакатлардагидек 7—8 фоизга туширш лозим.

Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли сонига тақсимланганда нисбатан ер кўп. Шу ерда баъзи зарар кўриб ишлаётган хўжаликларни тарқатиб юбориб, ерни одамларга бўлиб бериш борасида тажриба ўтказиш керак, деб ўйлайман. Бунда ерни сотиш мумкин эмаслигини, фақат фарзандларига мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи берилишини назарда тутмоқ даркор.

Шу йил 1 августдан бошлаб миллий валютамизнинг ички конвертацияси амалга оширила бошлайди. Бу тадбир миллий пулимизнинг қадрини ошириш йўлидаги муҳим қадамлардан биридир.

Биз келажаги буюк давлат барпо этишни ният қилганмиз, деди Ислом Каримов пировардида. Миллий давлатчиликни, асрий қадриятларни тиклаш, бозор муносабатларининг ижтимоий-иқтисодий асосларини яратиш йўлида республикада бир қанча ишлар қилинди. Бошқача қилиб айтганда, баъзилар бино қуришни томдан бошлаган бир вақтда биз ислоҳотимиз пойдеворини мустаҳкамлаб олиб, босқичма-босқич амалга оширяпмиз.

Яқин кунларда жонажон Ўзбекистонимиз давлат мустақиллигининг уч йиллигини нишонлаймиз. Истиқлол йилларида амалга оширилган ишларни яна бир карра сарҳисоб қиламиз. Фақат аҳил бўлсак, бир-биримизга ишониб, бир ёқадан бош чиқариб камчилик ва нуқсонларни қадам-бақадам бартараф этиб борсак, иншоолло, барча ниятимизга етамиз.

Мажлисда республика Бош вазирининг ўринбосарлари — «Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси раиси М. Шарифхўжаев, молия вазири Б. Ҳамидов, шунингдек, Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Р. Йўлдошев, Тошкент вилояти ҳокими М. Икромов, Олмалиқ кон-металлургия комбинати директори В. Сигедин муҳокама этилган масала юзасидан ахборот бердилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси У. Аширбеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари қатнашдилар.

**Аҳмад ХУЖА,**
**(ЎзА).**

# ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1 август куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Туркиянинг «Бейендик» фирмаси бошқаруви раиси Меҳмет Бейендикни қабул қилди.

Дўстона мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш истиқболига даҳлдор масалалар муҳокама этилди.

Туркиялик меҳмон самимий қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорчилик изҳор этди.

**(ЎзА).**

## Шу кунниНг НАФАСИ

Янгиликлар воқеалар хабарлар

### • Ички хизмат

## ТАЖРИБА АЛМАШИБ

**● АНДИЖОН (мухбиримиздан). Фарғона водийси вилоятлари Ички ишлар бошқармалари ҳузуридаги қўриқлаш хизмати раҳбарларининг минтақавий семинар-кенгаши ўтказилди.**

Йиғилишда халқ бойлигини қўриқлаётган соҳа ходимларининг хизмат фаолиятини такомиллаштириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш масалалари муҳокама этилди. Йиғинни Андижон вилояти Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, ички хизмат генерал-майори Т. Муродхўжаев очди.

Кенгашда Фарғона вилояти, Марғилон, Қўқон шаҳарлари, Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Тўрақўрғон ва Поп туманлари, Андижон вилояти, Бўз ва Избоскан туманларининг қўриқлаш хизмати раҳбарлари ахборот бердилар. Камчиликларга барҳам бериш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Рустам АҲМАДАЛИЕВ.**

### • Такрорий экинлар

## ҒАЛЛА ЎРНИДА МАККАЖЎХОРИ

**● ЖИЗЗАХ (мухбиримиздан). Пахтакор туманидаги «Пахтакор» ширкатлар бирлашмасида йилига 2-3 марта ҳосил олишга ҳаракат қилинмоқда.**

Бирлашма деҳқонлари ғалладан ўтган йилдагига нисбатан уч баробар кўп ҳосил олдилар. Давлатга 1800 тонна дон топшириб, режа ошириб бажарилди.

Бирлашма деҳқонлари тарик, мош ҳам экканлар. Айни кунларда туман хўжаликларида такрорий экинлар экиш авжида. 9,5 минг тонна дон топшириб, вилоятда биринчи бўлиб режани уддалаган туман ғаллакорлари экиндан бўшаган майдонларга маккажўхори ва полиз экинлари экмоқдалар.

**Пардабой ТОЖИБОЕВ.**

### • Ҳаваскорлик

## «ГИЁҲ»ДАН МУХЛИСЛАР МАМНУН

**● БУХОРО (мухбиримиздан). «Нозанин», «Орзу», «Сайёд», «Таржи наво» ва «Гиёҳ» сингари ўнлаб ижодий жамоаларнинг концертларини бухороликлар муштоқлик билан кутадилар.**

Ҳаваскорлик жамоалари орасида «Гиёҳ»нинг ихлосмандлари айниқса кўпайиб бормоқда. Вокаль-чолғу халқ дастасининг дастури ҳам ранг-баранг. Нишон Отамуродов бошчилик қилаётган бу жамоа «Азия даусы» халқаро фестивалида иштирок этиб, Ўзбекистон ва Тожикистонда ўтказилган танловларда ғолибликни қўлга киритган. Бу жамоа яқинда ўзининг 15 йиллигини нишонлади. Шаҳардаги Сомонийлар истироҳат боғининг яшил театр саҳнасида гиёҳчиларнинг ўзига хос ҳисобот концерти бўлди. Улар ижросидаги янги қўшиқлар мухлисларни хушнуд этди.

**Даврон БАҲРОНОВ.**

# ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

28—31 июл кунлари Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари Салмон Ҳайдар мамлакатимизда расмий сафарда бўлди. Ҳиндистон ташқи сиёсат маҳкамаси вакили ташриф давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида, республика ташқи ишлар ҳамда ташқи иқтисодий алоқалар вазирликларида қабул қилинди, мамлакатимизда таҳсил олаётган Ҳиндистонлик талабалар ва ишбилармонлар билан учрашди.

Жаноб Салмон Ҳайдар сафар ниҳоясида Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонасида журналистлар билан учрашиб, уларнинг ўзаро музокаралар якунларига оид ва бошқа мавзулардаги саволларига жавоб берди.

Учрашувда Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Далип Мехта иштирок этди.

**(ЎзА).**

### • Луқма

## УЗУМ БОР—У ОЛУВЧИ ЙЎҚ

Олтинсой тумани узумчиликка ихтисослашган. Бу йил бошқа экинлар қатори узумдан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Лекин узумни саранжомлаб олиш ташвиши хўжалик раҳбарларини шошириб қўйганга ўхшайди.

Тумандаги «Ширин» жамоа хўжалигида айни кунларда 800 тонна эрта пишар сурхак узуми етилиб турибди. Хўжалик бошқаруви раиси Файзулла Тошмиров бу узумларни нима қилишни билмай ҳайрон.

— Бозорга чиқарсаларинг-чи?

— Жамоа аъзоларининг ҳаммаси узум сотишга чиқса ҳам ярмини сотиб улгурмайди.

— Тайёрлов идораси билан шартнома тузмаганмидингиз?

— Шартнома тузганмиз. Аммо бу ташкилот бирор килограмм ҳам узум қабул қилмаяпти.

Ҳақли савол туғилади: Олтинсой тумани тайёрлов идораси хўжалик билан тузган шартномасини бажармаса, нима иш қилади ўзи?

**А. ОДИНАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Наманган шаҳридаги «Туркистон» ишлаб чиқариш савдо фирмаси хусусийлаштирилганига эндигина уч йил бўляпти. Лекин шунга қарамай бу ерда эришилган ютуқлар таҳсинга лойиқ. Корхонада асосан мебель тайёрланади. Жамоа аъзоларининг кўпчилигини сергайрат ёшлар ташкил этади.**

**Суратларда: 1. Фирма бошлиғи Ғайбулло Усмонов. 2. Мебелларнинг бежиримлигини қаранг. 3. Бу йигитлар қўли гул усталардир.**

**Турғуй МАҲКАМОВ олган суратлар.**

# ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Қашқадарё вилояти фаоллари йиғилиши бўлди. Унда республикамиз Президенти Ислом Каримов халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида ва Қашқадарёга сафари чоғида фаоллар ҳузурида сўзлаган нутқларида ўртага қўйилган вазифалар, вилоят халқ хўжалиги тармоқларининг ярим йиллик иш якунлари муҳокама этилди.

Вилоят ҳокими Т. Хидиров шу ҳақда маъруза қилди. Нотиқ ва сўзга чиққанлар Тошкент шаҳрида йўл қўйилган айрим нуқсонлар Қашқадарёга ҳам хослигини, айниқса аҳолига хизмат кўрсатиш, савдо, алоқа ва транспорт ишида камчилик кўплигини, халқ хўжалигининг баъзи тармоқларида режалар бажарилмаётгани, гўшт, сут етиштириш камайиб кетаётганини таъкидлаб, ишни жадаллаштириш борасида фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев қатнашди.

* * *

Урганчда вилоят фаолларининг йиғилиши ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида ўртага қўйилган масалалар ва бу борада вилоятда амалга оширилиши зарур чора-тадбирлар атрофлича муҳокама қилинди. Хоразм вилояти ҳокими М. Жуманиёзов шу ҳақда маъруза қилди.

Йиғилиш қатнашчилари Президентимиз нутқида кўрсатилган камчилик ва муаммолар Хоразм вилоятида ҳам йўқ эмаслиги, айниқса, савдо, маиший хизмат ва транспорт соҳасида долзарблигини таъкидладилар. Вилоятда жон бошига саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш кўрсаткичлари кўнгилдагидек эмас. Хусусан, йилнинг ўтган даврида вилоятдаги 22 та корхона ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириб юборган, ҳар 3 корхонанинг бирида эса даромад олиш даражаси ниҳоятда паст. Дружбадаги «Коинот» корхонаси қолоқликдан чиқа олмаяпти, Шовотда подшипник заводи қурилиши, беш йилки, сабабсиз чўзилиб келмоқда.

Йиғилишда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков сўзга чиқди.

**(ЎзА).**

# МУСТАҚИЛЛИК: ИСЛОҲОТЛАР ВА ЯНГИЛАНИШ

**Мамлакатимиз миллий мустақилликка эришган куннинг уч йиллиги яқинлашиб келмоқда. Шаҳару қишлоқларимизда байрамолди тараддуди авжида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунининг уч йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида ушбу умумхалқ тантанасини уюштиришнинг асосий мақсади «истиқлол ғояларини ҳар бир фуқаронинг тафаккурига етказиш, ёш авлодни юртпарварлик ва миллий ғурур руҳида тарбиялашни янада кенгайтириш» эканлиги таъкидланди.**

**Мустақиллик фарзанди сифатида майдонга чиққан ва уни мустаҳкамлашни ўзининг муҳим вазифаларидан бири, деб билган Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам умумхалқ байрамини кенг нишонлаш тадбирларини тузди. Партия Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг шу борада қабул қилган қарорида Қорақалпоғистон республика, Тошкент шаҳар ва барча вилоятлар партия кенгашларига уларни изчиллик билан амалга ошириш тавсия этилди. Мазкур тарихий санага бағишланган барча оммавий-сиёсий, тарғибот ва ташвиқот тадбирлари марказида истиқлолнинг тақдириломон аҳамиятини, мустақиллик йилларида мамлакатимизда юз берган туб ўзгаришлар, партиямиз Раиси, Республикамиз Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон раҳбариятининг ички ва ташқи сиёсати, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш йўлидаги амалий ишлари моҳиятини ҳар томонлама тушунтириш турмоғи керак.**

**Мазкур қўлланма тарғиботчи ва ташвиқотчиларимизга ёрдам кўрсатиш мақсадида тайёрланди. Ундаги далил ва рақамларни маҳаллий маълумотлар билан тўлдириш тавсия этилади.**

## ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ВА ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

«Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганидан бўён атиги уч йил вақт ўтди. Шу давр мобайнида диёримизда улкан ижтимоий-сиёсий, туб иқтисодий ва чуқур маънавий ўзгаришлар содир бўлди. Мустақиллигимизнинг салоҳиятли пойдевори бунёд этилди.

Энг аввало, миллий давлатчилигимиз қайта тикланди. Маълумки, ўлкамизда қадимдан йирик ва кучли давлатлар таркиб топиб, улар тарихда чуқур из қолдирган Бақтрия, Сўғд, Хоразм, Сомонийлар, Темур, Шайбонийхон давлатлари Бухоро амирлиги, Хева ва Қўқон хонликлари шулар жумласидандир.

XIX асрнинг 60—70 йилларида Туркистонни босиб олган чор Россияси Қўқон хонлигини тугатди, Бухоро ва Хевани эса ўзининг вассалларига айлантирди.

Бундан 70 йил бурун — 1924 йилда Ўрта Осиёда ўтказилган сиёсий тадбир расман миллий-давлат чегараланиши, деб аталган, тарихда биринчи маротаба Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон республикаларининг тузилганлиги эълон қилинган бўлса-да, аслида миллий давлатчиликни тиклашга йўл қўйилмади. Шўролар Иттифоқи таркибига кирган Ўзбекистон том маънодаги мустақил давлат эмас эди.

Ўзбекистон Олий Кенгаши 1990 йил 20 июнда қабул қилган «Мустақиллик Декларацияси» миллий мустақиллигимизни тиклаш томон қўйилган илк қадам бўлди. Ушбу ҳужжатдаёқ республика ўзининг ҳудудида ва ташқи муносабатларда танҳо ҳоким, деб эълон қилинди.

Иттифоқ дахлсиз бўлиб турган, Марказ миллий республикаларда рўй бераётган воқеаларга бефарқ қарамаётган шароитда бундай йўлдан бориш осон эмас эди.

Иттифоқни емиришга олиб келган воқеалар республикаларнинг миллий мустақиллик томон ҳаракатини тезлаштирди. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Олий Кенгаши халқимизнинг ҳоҳиш-иродасини ҳисобга олиб, мустақил Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганлигини бутун дунёга тантанали равишда билдирди. 1 сентябрь Мустақиллик куни — умумхалқ байрами, деб эълон қилинди.

Республикамизда инсонпарвар, демократик жамият, ҳуқуқий давлатни барпо этишга киришилди. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги ва ҳудудий бутунлигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида Мудофаа вазирлиги ва Миллий гвардия тузилди, Миллий хавфсизлик хизмати ташкил қилинди, Ички ишлар вазирлигининг барча бўлималари Ўзбекистон тасарруфига ўтказилди.

Халқимизнинг давлат қурилишидаги тарихий мероси ва жаҳон илғор тажрибаси асосида Ўзбекистонда миллий давлат, ҳудудий-маъмурий ҳамда ҳокимият ва бошқарув идоралари тизими вужудга келтирилди. 1990 йилнинг мартидаёқ, собиқ Шўро республикалари орасида биринчи бўлиб, Ўзбекистонда давлат бошқарувининг президентлик усули жорий қилинди. Мамлакатда демократик асосда шакллантирилган қонун чиқарувчи олий ва ижроия ҳокимиятлари (Президент ва Вазирлар Маҳкамаси), жойларда эса ҳокимлик ва ўзини-ўзи бошқариш (халқ депутатлари Кенгашлари, маҳалла қўмиталари, оқсоқоллар кенгашлари) ҳамда суд тизимларининг ҳаётий эканлиги исботланмоқда.

1991 йил декабрида Ўзбекистонда кўппартиялилик асосида умумхалқ сайлови ўтказилиб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Раиси И. А. Каримов мамлакатимизнинг биринчи Президенти этиб сайланди.

Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳияси Олий Кенгаш томонидан тасдиқланди, шунингдек, унинг орден ва медаллари таъсис этилди.

1992 йил 8 декабрь куни Олий Кенгашнинг XI сессияси томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси» мустақиллик йилларида қабул қилинган қонунлар миллий давлатчилигимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворидир.

Мамлакатимизда демократик давлатчиликнинг муҳим белгиси — ҳурфикрлилик ва кўппартиялилик ривожланмоқда.

Сиёсий мухолифларимиз Ўзбекистонда демократия йўқ, инсон ҳуқуқлари поймол қилинмоқда, деб вайсашни яхши кўрадилар. Жамиятни турли қарама-қарши гуруҳларга бўлишга олиб келувчи эҳтиросли баҳс-мунозараларни сунъий равишда авж олдириш, митингбозликлар тарафдорларининг асл мақсади ўз ғаразли манфаатларини қондиришдан бошқа нарса эмаслиги бугун сир эмас.

Кечаги мустабидчилик тузуми асоратларидан, маънавий қарамликдан бутунлай қутулиб, халқимизнинг асрий орзу-умидлари, миллий манфаатларига жавоб берувчи адолатли, демократик жамиятни, ҳуқуқий давлатни бунёд этиш жуда мураккаб ва мушкул ишдир. Фақат барча куч ва имкониятларни, бутун халқни бирлаштириб, уларни улуғ мақсад сари йўналтиргандагина олдимиздаги қийинчиликларни енгиш, маррага тезроқ етиб олиш мумкин.

Шу жиҳатдан олганда, республикамиз раҳбариятининг юртимизда барқарорликни, аҳоли осойишталиги, фуқаролар тотувлигини сақлаб қолишга қаратилган фаолияти энг оқил ва тўғри сиёсат эканлигига ўзимиз гувоҳ бўлиб турибмиз, буни жаҳон жамоатчилиги тан олмоқда.

Демократик жамиятни қуриш, биринчидан, узоқ муддатли, машаққатли меҳнатни талаб этса, иккинчидан, бу соҳада давлат идоралари билан бирга фуқароларнинг ҳам енг шимариб ишлашларини тақозо қилади. Агар ҳокимият инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатласа, фуқаролар ўз навбатида қонун-қоидаларга тўла ва сўзсиз риоя қилиш билан демократик жамиятни мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшишлари даркор. Демак, биз, мустақил Ўзбекистон фуқаролари, демократиянинг ғойибдан келишини кутмасдан, уни ўз онгли фаолиятимиз билан қарор топтиришимиз керак.

## ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ ВА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА СИЁСАТИ—АМАЛДА

Республикамиз раҳбарияти кучли иқтисодий пойдеворсиз мустақилликни мустаҳкамлаш, унинг афзалликларини рўёбга чиқариш қуруқ хом хаёл эканлигини теран идрок этган ҳолда иқтисодий қурилишни бунёдкорлик ишларимизнинг устивор йўналиши, деб эълон қилди. Айни шу ўзанда мамлакатимиз халқ хўжалигини маъмурий-қўмондонлик бошқаруви ҳамда эски алоқаларнинг бузилиши оқибатида у тушиб қолган тангликдан олиб чиқиш, жаҳон андозаларига жавоб берадиган янги, қудратли иқтисодиётни вужудга келтириш йўл ва воситалари танланди, ислоҳотларнинг аниқ дастурлари ишлаб чиқилди. Ўтган уч йил давомида мамлакатимиз ана шу йўлда, қатъий ҳаракат қилмоқда.

Уларнинг талаб кетилишига чек қўйилди.

Иқтисодиётни юксалтиришнинг энг синалган воситаси бозор муносабатлари эканлигини ҳисобга олиб, республикамизда унга ўтишнинг ўзига хос йўли ишлаб чиқилди. Бу йўлнинг асосий хусусиятлари бозор қоидаларини босқичма-босқич жорий этиш, аҳолини, айниқса, унинг эҳтиёжманд табақаларини ижтимоий муҳофазалаш, иқтисодий ислоҳотларни ўтказишда давлатнинг етакчилик қилиши, бош ислоҳотчи бўлиши ва бошқалар.

Иқтисодий ислоҳотларнинг илк босқичида унинг ҳуқуқий пойдеворини яратиш, халқ хўжалигини бошқаришнинг иқтисодий усулларини жорий қилиш, мулкчиликнинг хилма-хиллигини қарор топтириш, кишиларда мулкка эгалик ҳиссини шакллантириш каби вазифаларни бажаришга киришилди. Жумладан, халқ хўжалиги тармоқларини бошқарувчи вазирликлар ўрнига давлат концернлари, ҳиссадорлик компаниялари ва уюшмалари ташкил этилди.

Мулкнинг хилма-хиллигини таъминлаш мақсадида давлат мулкини хусусийлаштириш бошланди. Ҳозирга қадар республикамизда 50 мингтадан кўпроқ корхона давлат тасарруфидан чиқарилди.

Тадбиркорликка кенг йўл очилиши натижасида кичик хусусий ва жамоавий корхоналар ташкил топа бошладилар. Шу йилнинг май ойига келиб бундай корхоналарнинг умумий сони 32 мингтага етди. Хусусий корхоналар миқдори 11 мингтани ташкил этди.

Эндиликда иқтисодиётнинг нодавлат жабҳасида миллий даромаднинг учдан бир қисми ишлаб чиқарилмоқда.

Республикамиз ҳукумати олиб бораётган изчил сиёсат туфайли иқтисодиётимизнинг ўпирилишига йўл қўйилмади. Собиқ Шўролар мамлакатида 74 йил давомида ҳукм сурган хўжалик алоқалари емирилган, Ўзбекистон иқтисодиёти бир томонлама, қарам иқтисодиёт сифатида шаклланган бўлишга қарамай, завод, фабрикаларда иш давом этмоқда, ишлаб чиқариш умумий ҳажмларининг қисқариши унчалик катта эмас. 1994 йилнинг биринчи ярмида электр энергияси ишлаб чиқариш, газ, нефть, кўмир қазиб олиш, енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларини етиштириш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бирмунча кўпайди. Авваллари ташқаридан республикага келтирилган кўпгина озиқ-овқат ва ноозиқа саноат маҳсулотлари ўзимизда, шу жумладан, майда ва қўшма корхоналарда ишлаб чиқара бошланди. Бунда маҳаллий хомашё, айниқса, пахта толасидан кенг фойдаланилмоқда. Бу ўзгаришлар мустақиллик йилларида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг натижасидир.

Республикамиз аҳолисининг кўпчилик қисми қишлоқда яшаётганлиги, унинг ҳаёти, тақдири қишлоқ билан боғлиқ эканлиги учун раҳбариятимиз халқ хўжалигининг шу жабҳасини ислоҳ қилишга устиворлик аҳамиятини бермоқда.

Бу ерда ислоҳотларнинг бош йўналиши мулк шаклларини ўзгартириш, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришдир. Ана шу мақсадда жорий йилда 176 та, ислоҳот бошлангандан буён 1148 та давлат хўжалиги мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтказилди. Чунончи, 1000 тага яқин чорвачилик фермалари ҳиссадорлик жамоаларига айлантирилди. Республикамизда тузилган деҳқон (фермер) хўжаликларининг умумий сони шу йилнинг 1 июлига келиб 15000 тани ташкил этди. Уларга 176 минг гектар ер ажратиб берилди.

Жамоа хўжаликлари, ширкатлар ва фермерларга имтиёзли кредитлар бериш, уларга техника ёрдами кўрсатиш, уруғлик билан ёрдамлашиш тизими вужудга келтирилмоқда. Деҳқон ва чорвадорларнинг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш, уларни кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга рағбатлантиришни кўзлаб пахта ва ғаллага давлат буюртмаси 75 фоизгача, гўшт ва сутга — 50 фоизгача қисқартирилди, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларига батамом бекор қилинди. Уларнинг барчасини харид нархлари оширилди.

Бунга жавобан деҳқонларимиз астойдил меҳнат қилиб, мўл-кўл ҳосил олмоқдалар. Бу йил мамлакатимиз тарихида биринчи марта бир миллион тоннадан зиёд ғалла тайёрланди. Бу — республикамиз раҳбариятининг, шахсан Президентимизнинг Ўзбекистонни дон мустақиллигини таъминлаш йўлида қилаётган саъй-ҳаракатларининг дастлабки самарасидир.

1994 йилнинг бошларида мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичи бошланди. Президентимизнинг шу йил 21 февраль ва 15 мартда қабул қилган фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари ислоҳотлар шу босқичининг асосий йўналиш ва вазифаларини белгилаб берди. Иқтисодий эркинликни кенгайтириш мазкур босқичнинг асосий мазмунидир.

Агар ҳозиргача кичик саноат, савдо, маиший хизмат корхоналари, давлат хўжаликлари (совхозлар) давлат тасарруфидан чиқарилган ёпиқ ҳиссадорлик жамоалари ташкил этилган бўлса, эндиликда йирик давлат корхоналарини хусусийлаштиришга, очиқ ҳиссадорлик жамиятларини вужудга келтириш, хусусий мулкчилик, тадбиркорлик ва ишбилармонликка кенгроқ йўл очиш, уларнинг ривожи учун барча имкониятларни яратиб бериш асосий вазифага айланди.

Иқтисодий ислоҳотлар ўзанида қўйилган яна бир муҳим қадам — шу йил 1 июлдан миллий валютамизнинг муомалага киритилишидир.

Ушбу тадбир катта сиёсий аҳамиятга моликдир. Чунки ўз миллий валютасига эга бўлмаган чинакам мустақил давлатнинг ўзи йўқдир. Шу боис республикамиз ҳукумати бу масалага пухта тайёргарлик кўрди, пулимизнинг харид қадрини мустаҳкамлаш, унинг эркин айланишини таъминлаш чораларини амалга оширмоқда.

Албатта, сўмимиз қуввати биринчи навбатда мамлакатимизнинг иқтисодий қуч-қудратига боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз, уни ўз меҳнатимиз билан мустаҳкамлаб боришимиз зарур.

Барча ислоҳотлардан мақсад — халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, ҳаётий зарур шарт-шароитларни унга муҳайё этишдир. Шу сабабдан фуқароларга самарали меҳнат қилиш ва яхши яшаш учун тенг ҳуқуқлар берилишини кафолатловчи қонунлар қабул қилинди, тақсимчилик ва текисчилик тизимидан бозор муносабатларига ўтиш жараёнида иқтисодий жиҳатдан қийналиб қолаётган кишиларга моддий ёрдам кўрсатиш чора-тадбирлари изчиллик билан кўрилмоқда.

Ногиронлар, етим-есирлар, ҳеч кими йўқ қариялар, ўқувчи ва талабалар, эҳтиёжманд оилалар, фахрийларга моддий ва тиббий ёрдам кўрсатиш, енгиллик ва имтиёзлар бериш тўғрисида кўплаб Президент фармонлари қабул қилинди, маҳаллий ҳокимият идоралари, хўжалик раҳбарлари, партиямиз ташкилотлари, касаба уюшмалари, жамғармалар мунтазам кўмак тадбирлари ўтказмоқдалар.

Шунингдек, аҳолини, хусусан ёшлар ва хотин-қизларни иш, қишлоқ аҳолисини газ ва сифатли ичимлик суви билан таъминлаш соҳасида кейинги йилларда салмоқли қадамлар қўйилди. Қишлоқ жойларида юзлаб саноат корхоналари, шаҳарларда жойлашган завод-фабрикаларнинг шохобчалари очилиши натижасида ўн минглаб йигит-қизларимиз ижтимоий-фойдали меҳнатга тортилдилар. Кўпгина қишлоқ ва қўрғончаларнинг аҳолиси водопровод суви ва табиий газдан фойдаланишга муяссар бўлди. Масалан, Туямуйин сув омборидан Хоразм воҳаси ва Қорақалпоғистонга тортилган, Дамхўжа (Самарқанд) — Бухоро сув қувурларининг қурилиши натижасида ушбу минтақалар аҳолисининг талайгина қисми тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлмоқда.

Республикамиз ҳукуматининг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги хайрли ишларидан яна бир мисол — «Соғлом авлод учун» ордени ва жамғармасининг таъсис этилиши, халқимизнинг наслини соғломлаштиришга қаратилган истиқболли фаолиятидир.

Ижтимоий муҳофаза масалаларида жойларда ҳам таҳсинга лойиқ ишлар қилинмоқда ва Мустақиллик куни арафасида яна кўплаб тадбирлар ўтказилишига аминмиз.

## МУСТАҚИЛЛИКНИНГ МАЪНАВИЙ ПОЙДЕВОРИ

Миллий мустақилликнинг иқтисодий пойдевори билан бир қаторда мустаҳкам маънавий замини ҳам бўлиши шарт. Зотан, жамият аъзолари миллий тараққиётнинг мақсад, муддао ва хусусиятларини теран идрок этган тақдирдагина уларнинг меҳнати серунум, ҳаёти пурмаъно бўлаолади.

Шу боисдан мустақил мамлакатимиз раҳбарияти истиқлолимизнинг маънавий пойдеворини мустаҳкамлашни давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифаси, деб билиб, уни юксалтириш йўлида фаол ҳаракат қилмоқда. Биз буюк аждодларимиз қолдириб кетган бебаҳо илм-фан, маънавият ва маърифат хазиналаридан бемалол фойдаланиш имкониятларига эга бўлдик. Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Исмоил ал Бухорий, ат-Термизий, Баҳовуддин Нақшбанд, Нодирабегим, Боборажим Машрабнинг юбилейлари тантанали равишда ўтказилди, уларга ҳайкаллар ўрнатилди, қадамжолари таъмирланди, асарлари чоп этилди. Довруғи оламга кетган буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур номи қайта тикланди. Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги, Ферузнинг 150. Абдулла Қодирийнинг 100 йиллигига ҳозирлик кўрилмоқда. Қадимий шаҳарлар — Бухоро ва Хеванинг 2500 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз.

Олимларимиз кўҳна тарихимизни, хусусан, унинг «оқ доғлари»ни ўрганиб, мураккаб ўтмишимизни янгича ёритишга киришдилар. Темур «Тузуклари», Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи», Бобурнинг «Бобурнома», Абдулғозийнинг «Шажараи турк» каби асарлари ўзбек тилида кўп нусхаларда нашр этилди. Олти жилддан иборат «Ўзбекистон тарихи» яратилди, темурийлар даври ва маданиятига оид қатор рисолалар ёзилди. Шаҳар ва қишлоқларимизга уларнинг тарихий номлари қайтарилмоқда.

Шарқ фалсафасининг Ўзбекистон тарихида тутган ўрнини, ҳозир биз бошдан кечираётган ўтиш даври қонуниятларини татбиқ қилишга киришилди. Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш йўналишлари тадқиқ қилинмоқда. Давлат тили мақомини олган ўзбек тилини қўллаш ва ривожлантириш ҳамда лотин ёзувига ўтишга тайёргарлик кўриш, ёш авлодни миллий мустақиллик шароитида камол топтиришда шарқона тарбия тажрибасини илғор ҳорижий ўқитиш усуллари билан уйғунлаштириш борасида изланишлар олиб борилмоқда.

Президентимиз И. А. Каримов Ўзбекистон Фанлар академиясининг умумий йиғилишида сўзлаган нутқида ижтимоий фанлар соҳасини тубдан ривожлантириш зарурлигини уқтирди.

Мустақиллик йилларида юртимизда бошланган маънавий янгиланиш хусусида сўз юритганда, халқимизнинг қадимий расм-русум, анъана ва удумларига қайтаётганлигимизни ҳам унутмаслик керак. Эндиликда Наврўз билан бирга Рўза ва Қурбон ҳайитлари ҳам кенг байрам қилинмоқда, тўй-маъракаларни ўтказишдаги сунъий тўсиқлар олиб ташланди.

Шу билан бирга ушбу йўналишда қилинадиган ишлар, тузатилиши лозим бўлган қусурлар ҳали бор. Хусусан, тўй-маъракаларни ўтказишда ортиқча дабдаба ва сарф-харажатларга йўл қўйилмоқда, иқтисодий ночор оилаларга уларни ўтказиш мушкул ишга айланмоқда.

Маънавиятни ривожлантиришга оид қўйилган муҳим қадамлардан яна бири Президентимиз Фармони билан Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг тузилишидир. Марказнинг фаолияти шу соҳадаги ишларни янада юксак поғонага кўтаришга хизмат қилишга даъват этилган.

Ўзбекистон ҳукумати маориф, маданият, фан, соғлиқни сақлаш соҳаларига катта эътибор бермоқда. Халқ таълими илғор ғарб мамлакатлари тажрибасига таяниб, ислоҳ қилинмоқда. Замонавий руҳда тузилган янги дарслик, дастурлар чиқарилмоқда.

Иқтидорли ёшларга қулай шароитлар яратиб бериш учун алоҳида жамғармалар, махсус стипендиялар ҳамда турли имтиёзлар тизими жорий қилинди. Олимпиадалар, кўрик ва танловлар ғолибларини ўқитиш давлат идоралари томонидан тегишлича назорат қилинмоқда. Ёш ижодкорлар учун уй-жойлар қуриб берилмоқда.

Аммо. Ўзбекистоннинг эртанги куни ҳисобланган ёш авлодни вояга етказишда жиддий муаммолар мавжуд. Айрим йигит-қизларимиз бозор муносабатларига ўтишни ўзларича тушуниб, ўқишни йиғиштириб қўйиб, енгилгелпи йўллар билан пул топишга, бойлик орттиришга берилиб кетмоқдалар. Кўча ва расталарда майда-чуйда, латта-путта сотиш ёки кунини чет эл видеофильмларини кўриш билан ўтказаётган, на ибратли ўтмишимиздан, на миллий адабиёту санъатдан хабари бўлмаган ёшларнинг эртанги куни қандай бўлар экан? Президентимиз бу ҳақда қайта-қайта куюниб гапирмоқда, жамиятимизнинг диққатини ушбу муҳим муаммоларга қаратмоқда, ёш авлодни вояга етказиш умумдавлат, умумхалқ иши эканлигини уқдирмоқда.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши X пленуми мазкур масалани ҳар тарафлама муҳокама қилиб, ташкилотларимиз, партиямиз аъзолари бўлган халқ депутатлари ва давлат идоралари масъул ходимларига тегишли тавсиялар берди, Ёшлар Иттифоқи ташкилотлари билан алоқаларимизни кенгайтиришга чақирди.

Нафақат ёшлар, балки бутун аҳоли ўртасида ташвиқот-тарғибот ишларини жонлантириб юборши масаласига катта эътибор берилаётганлиги бежиз эмас. Мустабидчилик мафкураси инқирозга учраши оқибатида кўпгина кишиларда ноумидлик, ишончсизлик, сиёсий лоқайдлик ҳоллари пайдо бўлди. Ваҳолонки, мустақилликни мустаҳкамлаш, адолатли жамиятни бунёд этиш, жаҳон халқлари оиласидан муносиб ўрин эгаллаш учун мамлакатнинг истиқболини аниқ тасаввур этиш, Ўзбекистоннинг буюк келажагига қатъий ишонч, ҳаракатимизнинг мақсад ва вазифаларини яхши тушуниб олиш талаб этилади. Бунинг учун халқимизнинг бой маънавий мероси, орзу-умидини ифодаловчи, ўзида миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштирган янгича тафаккур, мафкура керак.

Ана шуни ҳисобга олиб, юртбошимиз республика Олий Кенгашининг XII сессиясида (1993 йил 6 май) Миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш вазифасини олдимизга қўйди. Бундай мафкура, деди у, халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозим.

Ушбу давъатга жавобан Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкураси ишлаб чиқилди. Партия ташкилотларимиз ҳозирда уни амалга ошириш бўйича кенг кўламли фаолият кўрсатмоқдалар.

## ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДАН

Ўзбекистон истиқлол туфайли дунёнинг аксарият кўпчилик давлатлари томонидан расмий равишда тан олинди. 130 дан зиёдроқ хорижий мамлакатлар билан дипломатия алоқалари ўрнатилди. Кўпгина давлатларнинг элчихоналари Тошкентда очилди. Улар орасида АҚШ, Буюк Британия, Франция, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Покистон каби давлатлар бор. Республикамиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши, ЮНЕСКО, Бетарафлик ҳаракатидек ўнлаб нуфузли халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлди ва уларнинг кўпи билан ҳамқорликни йўлга қўйди.

Жорий йилнинг ўтган ойлари давомида Франция ва Корея Республикалари президентлари Франсуа Миттеран ва Ким Ен Сам, Хитой ҳукуматининг Раиси Ли Пэн ва бошқалар мамлакатимизда меҳмон бўлиб, музокаралар олиб бордилар, халқимизнинг ҳаёти, маданияти билан танишдилар.

Ўз навбатида республикамиз давлат делегациялари Ҳиндистон, Япония ва Туркияга расмий ташриф буюриб, ўнлаб шартнома ва битимлар туздилар.

Ўзбекистон билан амалий алоқалар ўрнатишга, ҳамкорлик қилишга ҳоҳиш билдираётганлар сони тобора кўпаймоқда. Ҳозир мамлакатимизда рўйхатдан ўтган 1500 та қўшма корхона бор. АҚШ, Германия, Италия, Туркия, Хитой, Жанубий Корея ва бошқа кўпгина чет эл компаниялари билан биргаликда ташкил этилган корхоналар саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари чиқара бошладилар. Масалан: Дўстлик шаҳрида Германиянинг Мерседес-Бенц концерни билан ҳамкорликдаги қўшма корхонада юк автомобилларини йиғиш бошланди; Совпластитал ўзининг пластмассадан ясалган уй-рўзғор буюмлари билан машҳур бўлди; Ташинтермнинг харидоргир термослари хорижга ҳам чиқарилмоқда; Туркия билан ҳамкорликда Нукусда КАТЕКС тўқимачилик комбинати қурилиб, маҳсулот бера бошлади.

Жанубий Кореянинг ДЭУ ва «Самсунг» корпорациялари билан ҳамкорликда Тошкент ва Бухорода телевизорлар ишлаб чиқарилмоқда. Голландиялик ишбилармонлар картошка ўстиришнинг янги технологиясини, исроиллик мутахассислар ғўзани томчилаб суғориш усулини жорий қилишга кўмаклашмоқдалар. Яхши самара бераётган бундай ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг мисолларини ҳар бир вилоятдан келтириш мумкин.

Узоқ йиллар давомида яқин ҳамкорлик қилиб келган қўшнилар, биринчи навбатда, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига мансуб бўлган мамлакатлар билан янги, яъни тенглик ва ўзаро манфаатдорликка асосланган иқтисодий, маданий, фан-техника ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳам ҳаётий заруратдир.

Ўзбекистон раҳбарияти Россия билан муносабатларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Россия — дунёдаги буюк давлатлардан бири, катта иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий мавқега эга бўлган қўшнимиз. Шу йилнинг бошида мамлакатимизнинг олий даражадаги делегацияси Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Москвада расмий равишда кутиб олинди ва Россия раҳбарлари билан энг олий мақомда самарали музокаралар олиб борди. Унинг давомида муҳим битимлар имзоланди, икки томонлама алоқаларни кенгайтириш хусусида келишиб олинди.

Республикамиз ҳукуматининг қардош Тожикистондаги фожеали воқеаларга муносабати барчага маълум. Биз Тожикистоннинг ҳудудий бутунлигини сақлаб қолишни, фуқаролар урушини тинч воситалар ёрдамида бартараф этишни, мамлакат халқ хўжалигини тезроқ тиклаб, халқнинг аҳволини яхшилашни истаймиз. Ўзбекистон тожик биродарларимиз учун энг оғир дамларда улар билан бирга бўлди, ўзининг моддий ва маънавий ёрдамини аямаётир.

1994 йил минтақамизда ягона иқтисодий маконни ташкил этиш томон ҳал қилувчи қадамлар қўйилган йил бўлиб тарихга киради. Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисида шартнома туздилар. Унга Қирғизистон ҳам қўшилди. Кейинги йилларда пайдо бўлган ўртадаги сунъий ғовлар — божхоналар олиб ташланди, моллар, сармоя ва ишчи кучларини чегаралар орқали эркин ҳаракати учун йўл очиб берилди.

Яқинда шу соҳада яна бир муҳим қадам қўйилди — уч давлат раҳбарларининг шу йил июль ойида бўлиб ўтган Алмати учрашувида Президентимиз ташаббуси билан ўзаро иқтисодий интеграцияни кучайтириш мақсадида иқтисодиёт, тадбиркорлик, молия, ташқи сиёсат, мудофаа ва бошқа соҳаларга доир туркум битимлар тузилди, Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки таъсис этилди.

Ўзбекистон тарихи, тақдири, тили, дини ва маданияти яқин халқлар яшаётган Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий ва сиёсий яқинлашуви тарафдоридир. Ҳукуматимиз Афғонистондаги беқарорлик вазиятига чек қўйиш, афғон-тожик чегарасини мустаҳкамлаш, Тожикистондаги ички низони музокаралар йўли билан ҳал қилишга даъват этмоқда. Давлатимиз раҳбари ўзининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан сўзлаган ва қатор бошқа нутқларида Афғонистон муаммосига жаҳон жамоатчилигининг диққатини жалб этди, Тошкентда минтақа хавфсизлиги масаласи юзасидан БМТ доимий семинарини ташкил этишни таклиф этди.

Қисқа қилиб айтганда, ҳур Ўзбекистон мустақиллик йилларида ўзининг тинчликсевар, яхши қўшничилик, ўзаро фойдали ҳамкорликка қаратилган сиёсати ва фаолияти билан бутун дунёга танилди.

---

**Халқимиз минг йиллик тажрибасини ва ҳорижий мамлакатларнинг ютуқларини ҳисобга олган ҳолда мустақил миллий тараққиётнинг ўзига хос йўлини танлаб олди. Бу бозор муносабатлари воситасида республикамиз иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиёти билан интеграциясини, уни сифат жиҳатидан янги, юксак поғонага кўтарилишини, юртимиз фаровонлигига эришишни таъминлайдиган, халқимиз манфаатларига тўла жавоб берадиган ягона йўлдир. Бу янги иқтисодий, жумладан, янги мулкий муносабатларга аста-секинлик билан ўтиш, тадбиркорлар, ишбилармонлар, фермерлар, хорижий ҳамкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳолини айниқса, унинг эҳтиёжманд табақаларини ижтимоий ҳимоялаш, жамиятни маънавий инқироздан чиқариб олиш, бой маънавий меросимиз, миллий ва умумбашарий қадриятларга таяниб, маданият, илм-маърифатни ривожлантириш давлат сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш, истиқлолимиз истиқболига монанд мутахассислар, етук раҳбар ходимларни вояга етказиш, ёш авлодни камол топтириш йўлидир.**

**Раҳбариятимиз ушбу тараққиёт йўлининг хусусиятлари, мақсад ва қонуниятларини ҳар томонлама асослаб берди, халқимизни туб ўзгаришларнинг амалий дастур ва аниқ режалари билан қуроллантирди. Уч йил мобайнидаги бунёдкорлик меҳнатимизнинг натижалари кўпчиликка маълум. Мулкнинг хилма-хиллигига асосланган иқтисод вужудга келмоқда, давлат ва халқ хўжалигини бошқаришнинг янгича усуллари қарор топмоқда.**

**Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар маънавий ислоҳот билан уйғун олиб борилмоқда, кишиларда она-Ватанга меҳр-муҳаббат, унинг келажагига ишонч туйғуларини тобора кучаймоқда.**

**Мустақил Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини топмоқда. Нуфузли халқаро ташкилотлар ва анжуманларда унинг овози тобора баралла янграмоқда. Ғарбу Шарқ мамлакатлари республикамизга муносиб шерик ва ҳамкор, деб қарамоқдалар.**

**Бироқ, мустабидчилик, маъмурий-буйруқбозлик, тақсимчилик ва текисчилик тузумидан адолатли жамият, демократик, инсонпарвар давлатни бунёд этишга ўтиш турли қийинчиликлар билан боғлиқдир. Давлатимиз раҳбариятининг ишлаб чиқаришнинг ўпирилишига йўл қўймаслик, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш сиёсатига қатъий амал қилишига қарамай, собиқ Шўро республикалари ўртасидаги хўжалик алоқаларининг барбод бўлиши оқибатида озиқ-овқат ва саноат молларининг тақчиллиги сезилмоқда. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида, айниқса, жойларда, сансоларлик, бюрократизм, таъмагирлик, порахўрлик каби иллатлар билан бир қаторда ислоҳотлар сиёсатининг, унга доир Президент фармонларининг моҳиятини тушунмаслик, уларга нисбатан лоқайдлик ҳоллари ҳам йўқ эмас.**

**Аммо, булар бартараф этиш мумкин бўлган, вақтинчалик қийинчиликлардир. Умуман, ҳаракат, тараққиёт қийинчиликларсиз бўлмас. Бизда улуғвор мақсадларимизга эришиш учун барча имк

• *Олий таълим ва ислоҳот*

# ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

## ВИЛОЯТ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

**Жаҳон тараққиёти жамиятни таълимсиз, илм-фансиз ривожлантириб бўлмаслигини кўрсатмоқда. Дунёда ҳеч бир давлат саводсизлик ва ҳурофот туфайли яхшилик кўрмаган. Инсон цивилизацияси ҳамма вақт онг ва тафаккур тараққиёти, унинг беқиёс куч-қудрати, яратувчилик дахоси билан тарихда буюк силжишлар қилган. Турли даврларда, турли минтақаларда турли ҳолатларда юз берган бундай ҳодисалар инсон ва жамият тараққиётини кутилмаган чўққиларга олиб чиққан.**

**Мамлакатимиз мустақиллик, мустақил тараққиёт йўлини тутганига эндигина уч йил бўлмоқда. Ана шу қисқа муддатда фан ва техникага муносабат, олий таълимнн бутун чоралар билан ривожлантириш, энг замонавий талабларга жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президент Ислом Каримов илм-фан тараққиётига катта эътибор билан қарамоқда. Айни пайтда у энг ривожланган мамлакатлар тажрибасига таяниб замонавий кадрлар етиштиришни долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Натижада кўплаб талабаларимиз дунёнинг бир неча мамлакатларида таълим олишмоқда. Ёш олим ва мутахассисларимиз оламга машҳур илм масканлари даргоҳида малакаларини оширишмоқда. Буларнинг барчаси ёш мустақил мамлакат тараққиётига пишиқ-пухта замин яратиш ниятида қилинмоқда.**

Хориж тажрибасини ўрганиш билан бирга миллий заминда, минг йилликлар мобайнида шаклланган таълим-тарбия анъаналарини такомиллаштириш, ўқиш-ўқитиш тизимини баркамоллаштириш шу куннинг муҳим вазифасига айланган. Шунинг учун ҳам Президент Ислом Каримов олий таълимни бутун чоралар билан такомиллаштириш, ушбу тизимни янги тарихий шароитларда янгича талаблар асосида қайта қуроллантириш вазифасини кўндаланг қўймоқда. Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қисқа фурсатда олий таълим соҳасида амалга оширилган ишлар қимларнингдир қарашларига мос келмаяпти. Тобора шаклланиб, кучга тўлиб бораётган мамлакатимиз равнақи аллакимларнинг ғашига тегмоқда. Хусусан олий таълим борасидаги ислоҳотларни кўр-кўрона таҳлил этиб ўз манфаатларига мос келмаган, ҳар қандай ижобий тажрибаларга салбий тус бермоқчи бўлганларнинг фикрлари асоссиз эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Олий таълим тизими ҳақли равишда туб ислоҳотни бошдан кечирмоқда. Жумладан, вилоятларда университетларнинг ташкил топиши бу соҳадаги дастлабки улкан қадамдир. Айни пайтда у узоқни ўйлаб қилинган иш, юксак маънавий-маърифий сиёсат. Халқ ва давлат манфаатига тўла мос келадиган, ҳар жиҳатдан ўз афзалликларини кўрсата бошлаган хайрли ҳодиса.

Айрим муҳолифларимиз вилоят университетларининг ташкил топишини кадрлар тайёрлаш ва таълим системасида орқага кетиш деб баҳоламоқдалар. Улар зўр бериб тайёрланаётган кадрлар бир қисми сифатсиз эканлигини, жойларда малакали ўқитувчи-профессорларнинг етишмаслигини, университетларнинг моддий-техника базаси етарли эмаслигини рўкач қилмоқдалар. Айни шундай асоссиз ва майда мулоҳазалари билан омма фикрини чалғитишга ҳаракат қилмоқдалар. Келинг, воқеага холисона ёндошайлик. Унга ҳаёт талаби, халқ ва мамлакат эҳтиёжи нуқтаи назаридан баҳо берайлик. Бир пас бўлса-да ўз манфаатимизни чеккага суриб қўйиб, умумхалқ ва умумдавлат манфаати юксаклигида туриб таҳлил қилайлик.

**Биринчидан,** вилоятларда олий университет таълимини ташкил этиш ўша жойларда илмий-маърифий ишларни ривожлантиришга, энг олис ва чекка шаҳарларни маданий-маърифий марказга айлантиришга асос бўлди. Ўз-ўзидан аҳоли кенг табақаси ўртасида илмий-ғоявий ҳамда маънавий тафаккурни кенгайтиришга кўпроқ хизмат қилмоқда. Илмий ва маърифий ишлар халқ ҳаётига тобора кўпроқ, тобора чуқурроқ кириб бормоқда. Бу мамлакат аҳолиси онги ва дунёқарашини кенгайтиришда катта аҳамият касб этади. Нуқул меҳнат билан боғлиқ бўлган одамлар яқиндан туриб илмий янгиликлардан хабардор бўладилар. Янгидан-янги илмий техникавий ишланмалар, ихтиролар ўз яратилган жойида тезроқ ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда.

**Иккинчидан,** Ўзбекистон тарихий жуғрофий жиҳатдан хилма-хил воқелик ва иқлимга эга бўлган мамлакат. Бунинг устига ҳар хил ҳудуд халқлари умумий ҳолда олганда ягона тарихга эга бўлгани билан руҳияти, яшаш тарзи, воқеликка муносабати, ҳодисаларни қабул қилиш ва хулосалар чиқариш жиҳатидан хилма-хил бўлган аҳолига эга. Дейлик, ҳеч қачон Фарғона водийси халқларининг яшаш тарзи билан Хоразм халқи ёки Бойсун, Сариосиё аҳолиси билан Бухоро, Самарқанд, қоларверса, Мирзачўл ё Фориш аҳолиси яшаш тарзида анча-мунча фарқ бор. Бундай ҳодиса бир вилоятнинг ўзида ҳам турли кўринишларда кўзга ташланади. Ана шундай мамлакатда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос илм олишга, касб эгаллаш, замонавий фан-техниканинг ўзига мақбул бўлган жиҳатларини ўрганишга эҳтиёж сезилади. Буни ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Қадимий Хоразм ўзининг машҳур математиклари, астрономлари, тарихчилари ва давлат арбоблари билан, Фарғона водийси халқлари эса дунё тан олган шоиру адиблари билан машҳурдир. Узоқ йиллик мустамлакачилик йилларида ҳам ана шу халқлар ўз ота-боболари анъаналарига содиқ қолдилар. Ўзлигини йўқотмадилар. Дунёқарашлари ва авлодларидаги буюкликни сақлаб қолдилар. Лекин, уларнинг кўпчилиги имконият нуқтаи назаридан марказга келишга мажбур бўлдилар. Натижада марказдан узоқда яшайдиган аҳолининг илмий-маданий савияси анча орқада қолди. Марказ илгарилагани сайин олисдаги аҳвол ёмонлашиб кетаверди. Бу умумий мамлакат ишлаб чиқаришига иқтисодига ва умуман тараққиётига таъсир қилмоқда. Дунёда ҳеч бир давлат саводсизлик ва ҳурофот туфайли яхшилик кўрмаган. Инсон цивилизацияси тараққиёти, унинг беқиёс куч-қудрати, буюк силжишлар қилган. Турли турли ҳолатларда юз берган бундай ҳодисалар инсон ва жамиятларга олиб чиққан.

Мустақил тараққиёт йўлини тутганига эндигина уч йил бўлмоқда. Ана шу қисқа муддатда фан ва техникага муносабат, олий таълимнн бутун чоралар билан ривожлантириш, энг замонавий талабларга жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президент Ислом Каримов илм-фан тараққиётига катта эътибор билан қарамоқда. Айни пайтда у энг ривожланган мамлакатлар тажрибасига таяниб замонавий кадрлар етиштиришни долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Натижада кўплаб талабаларимиз дунёнинг бир неча мамлакатларида таълим олишмоқда. Ёш олим ва мутахассисларимиз оламга машҳур илм масканлари даргоҳида малакаларини оширишмоқда. Буларнинг барчаси ёш мустақил мамлакат тараққиётига пишиқ-пухта замин яратиш ниятида қилинмоқда.

Дунёда ҳеч бир давлат саводсизлик ва ҳурофот туфайли яхшилик кўрмаган. Инсон цивилизацияси ҳамма вақт онг ва тафаккур тараққиёти, унинг беқиёс куч-қудрати, яратувчилик дахоси билан тарихда буюк силжишлар қилган. Турли даврларда, турли минтақаларда турли ҳолатларда юз берган бундай ҳодисалар инсон ва жамиятларга олиб чиққан.

Мамлакатимиз мустақиллик, мустақил тараққиёт йўлини тутганига эндигина уч йил бўлмоқда. Ана шу қисқа муддатда фан ва техникага муносабат, олий таълимнн бутун чоралар билан ривожлантириш, энг замонавий талабларга жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президент Ислом Каримов илм-фан тараққиётига катта эътибор билан қарамоқда. Айни пайтда у энг ривожланган мамлакатлар тажрибасига таяниб замонавий кадрлар етиштиришни долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Натижада кўплаб талабаларимиз дунёнинг бир неча мамлакатларида таълим олишмоқда. Ёш олим ва мутахассисларимиз оламга машҳур илм масканлари даргоҳида малакаларини оширишмоқда. Буларнинг барчаси ёш мустақил мамлакат тараққиётига пишиқ-пухта замин яратиш ниятида қилинмоқда.

Хориж тажрибасини ўрганиш билан бирга миллий заминда, минг йилликлар мобайнида шаклланган таълим-тарбия анъаналарини такомиллаштириш, ўқиш-ўқитиш тизимини баркамоллаштириш шу куннинг муҳим вазифасига айланган. Шунинг учун ҳам Президент Ислом Каримов олий таълимни бутун чоралар билан такомиллаштириш, ушбу тизимни янги тарихий шароитларда янгича талаблар асосида қайта қуроллантириш вазифасини кўндаланг қўймоқда. Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қисқа фурсатда олий таълим соҳасида амалга оширилган ишлар қимларнингдир қарашларига мос келмаяпти. Тобора шаклланиб, кучга тўлиб бораётган мамлакатимиз равнақи аллакимларнинг ғашига тегмоқда. Хусусан олий таълим борасидаги ислоҳотларни кўр-кўрона таҳлил этиб ўз манфаатларига мос келмаган, ҳар қандай ижобий тажрибаларга салбий тус бермоқчи бўлганларнинг фикрлари асоссиз эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Олий таълим тизими ҳақли равишда туб ислоҳотни бошдан кечирмоқда. Жумладан, вилоятларда университетларнинг ташкил топиши бу соҳадаги дастлабки улкан қадамдир. Айни пайтда у узоқни ўйлаб қилинган иш, юксак маънавий-маърифий сиёсат. Халқ ва давлат манфаатига тўла мос келадиган, ҳар жиҳатдан ўз афзалликларини кўрсата бошлаган хайрли ҳодиса.

Айрим муҳолифларимиз вилоят университетларининг ташкил топишини кадрлар тайёрлаш ва таълим системасида орқага кетиш деб баҳоламоқдалар. Улар зўр бериб тайёрланаётган кадрлар бир қисми сифатсиз эканлигини, жойларда малакали ўқитувчи-профессорларнинг етишмаслигини, университетларнинг моддий-техника базаси етарли эмаслигини рўкач қилмоқдалар. Айни шундай асоссиз ва майда мулоҳазалари билан омма фикрини чалғитишга ҳаракат қилмоқдалар. Келинг, воқеага холисона ёндошайлик. Унга ҳаёт талаби, халқ ва мамлакат эҳтиёжи нуқтаи назаридан баҳо берайлик. Бир пас бўлса-да ўз манфаатимизни чеккага суриб қўйиб, умумхалқ ва умумдавлат манфаати юксаклигида туриб таҳлил қилайлик.

**Биринчидан,** вилоятларда олий университет таълимини ташкил этиш ўша жойларда илмий-маърифий ишларни ривожлантиришга, энг олис ва чекка шаҳарларни маданий-маърифий марказга айлантиришга асос бўлди. Ўз-ўзидан аҳоли кенг табақаси ўртасида илмий-ғоявий ҳамда маънавий тафаккурни кенгайтиришга кўпроқ хизмат қилмоқда. Илмий ва маърифий ишлар халқ ҳаётига тобора кўпроқ, тобора чуқурроқ кириб бормоқда. Бу мамлакат аҳолиси онги ва дунёқарашини кенгайтиришда катта аҳамият касб этади. Нуқул меҳнат билан боғлиқ бўлган одамлар яқиндан туриб илмий янгиликлардан хабардор бўладилар. Янгидан-янги илмий техникавий ишланмалар, ихтиролар ўз яратилган жойида тезроқ ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда.

**Иккинчидан,** Ўзбекистон тарихий жуғрофий жиҳатдан хилма-хил воқелик ва иқлимга эга бўлган мамлакат. Бунинг устига ҳар хил ҳудуд халқлари умумий ҳолда олганда ягона тарихга эга бўлгани билан руҳияти, яшаш тарзи, воқеликка муносабати, ҳодисаларни қабул қилиш ва хулосалар чиқариш жиҳатидан хилма-хил бўлган аҳолига эга. Дейлик, ҳеч қачон Фарғона водийси халқларининг яшаш тарзи билан Хоразм халқи ёки Бойсун, Сариосиё аҳолиси билан Бухоро, Самарқанд, қоларверса, Мирзачўл ё Фориш аҳолиси яшаш тарзида анча-мунча фарқ бор. Бундай ҳодиса бир вилоятнинг ўзида ҳам турли кўринишларда кўзга ташланади. Ана шундай мамлакатда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос илм олишга, касб эгаллаш, замонавий фан-техниканинг ўзига мақбул бўлган жиҳатларини ўрганишга эҳтиёж сезилади. Буни ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Қадимий Хоразм ўзининг машҳур математиклари, астрономлари, тарихчилари ва давлат арбоблари билан, Фарғона водийси халқлари эса дунё тан олган шоиру адиблари билан машҳурдир. Узоқ йиллик мустамлакачилик йилларида ҳам ана шу халқлар ўз ота-боболари анъаналарига содиқ қолдилар. Ўзлигини йўқотмадилар. Дунёқарашлари ва авлодларидаги буюкликни сақлаб қолдилар. Лекин, уларнинг кўпчилиги имконият нуқтаи назаридан марказга келишга мажбур бўлдилар. Натижада марказдан узоқда яшайдиган аҳолининг илмий-маданий савияси анча орқада қолди. Марказ илгарилагани сайин олисдаги аҳвол ёмонлашиб кетаверди. Бу умумий мамлакат ишлаб чиқаришига иқтисодига ва умуман тараққиётига таъсир қилмоқда.

ИНСОФ САРИ БАРАКА!

# Осиё бозори № 65

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ГАЗЕТАСИНИНГ АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ИЛОВАСИ

1994 йил 2 август.

• *Тадбиркорга омад ёр*

# «АБДУСАМАД БИРЖА»

Ўзбекнинг урфи-одатида кўчани номлаш билан ҳовлига рақам қўйиш деган касб бўлмаган. Қизиқ, ундай бўлса ўзбек неча минг йиллардан бери номсиз кўча ва рақамсиз уйларни қандай тарзда топиб яшади экан-а?

Қурамада саккиз минг одам яшайди. Гарчи, шундан саккиз юзтасининг оти Абдусамад бўлса-да, «Абдусамаднинг уйи қайси?» десангиз, икковнинг бири сизга «Аброр» кичик корхонасининг соҳиби Абдусамад Иброҳимовнинг уйини кўрсатиб қўйиши янаям қизиқ.

Қурамада нима кўп — қизиқ нарса кўп. Қурамаликлар шўро замонидаям бирбирларини шарифларида маданиятдан улги берувчи «евевич»ларсиз аташар эди: Қурбон Чори, Ўрол, Қобил, Жўра, Ҳаким, Ампр Турди, Чори Ёрмат... Қизиғи шундаки, қаҳрамонимиз Абдусамад Иброҳимов қишлоқдошларининг бу шоирона атамасидан мустасно зот саналади.

Абдусамадбойни оддийгина қилиб «Абдусамад биржа» дейишади.

Олтинсойда кўпчилик катта ўз ташкилотини ўзи тузиб олади. Маматмурод Хонимқулов деган йигит йўқ ердан «Ватанпарвар» деган ташкилотни тузди. Эргаш Маҳматмўминов деган одам жамғарма банк деган ташкилотни тузиб ишлатиб турибди. Туроббой деган киши «Хўжаипок» санаторийсини битказиш учун югуриб юрибди: ишга тушса, директори бўлар экан. Чорибой деганимиз туманга нефть маҳсулотлари корхонаси қуриб бермоқчи: албатта, эвазига ўзи директор бўлсагина. Худди шундай, бизнинг Абдусамадбой ҳам туманга битта ташкилот тузиб бериб ном қозонди. Абдусамадбой «Техсложбытприбор» деган ташкилотнинг тумандаги бўлимини очиб бир-икки йил ишлатди.

Илья Ильф билан Евгений Петров статистиканинг билмаган нарсаси йўқ, фақат мамлакатда қанча стул борлигини билмайди, дейишади. Статистика тағин бир нарсани билмас экан, Олтинсойда қанча рўзғорда ишлатиладиган электр буюми борлигини. Тоғ-тоғ электр буюмлари бузилиб, Абдусамадбойнинг ташкилот очишини кутиб ўтирган экан: режалар бирпасда бажарилиб кетди. Абдусамадбойнинг ўзини ташкилотнинг вилоятдаги бошқармасига директор ўринбосарлигига олиб кетишди.

Тўқсон биринчи йил Ўзбекистонга қутлуғ келди, буни ҳатто Ўзбекистонни унча хуш кўрмайдиганлар ҳам тан олишди. Мулкдорлик, эгалик деган гаплар чиқди. Йигитларга Алининг майдони таклиф қилинди. Абдусамадбой ҳам донгдор мансабни ташлаб келиб, қишлоғида хусусий корхона очди: «Аброр».

«Аброр»нинг фаолияти кўп қиррали. Тегирмон, мойжувоз, ёғоч ва металлга ишлов бериш, пайвандлаш, новвойхона, трактор ва машинада аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш. Ишлаб чиқариш илғорлари: Имомқул Маматқулов, Тоҳир Шералиев, Дониёр Пардаев, Хайрулла Мусурмонов...

Нега Абдусамадни Абдусамад биржа дейишади?

Гап шундаки, қурамалик деганимиз тараққиётдан, ўзгаришдан орқароқда юрадиган эл келади. Биржа, маркетинг, инвестиция, акция деган гаплар чиққанида қурамаликлар секин бир-биридан сўраб олгич бўлади. Ана шундай паллада қишлоқнинг илғор йигити Абдусамадбой ҳамқишлоқлари учун бозор иқтисоди даврининг ўзига хос кўргазмали қуроли вазифасини ўтайди.

Қурамалик қурамаликдан сўрайди: фалончи, менеджер нима, брокер ким, ҳиссадори қандай зот бўлди?

Қурамалик қурамаликка жавоб беради: ҳув ўзимизнинг Абдусамадни биласанми? Тушунгинг келаётгаи бўлса, била бер: биржаям шул бўлади, брокерам шул. Қурамалик қониқади.

Айрим «тадбиркор»лар тадбиркорлик деганда Тошкентдан Сурхондарёга «Сникерс» келтириб сотишни тушуняпти.

Сурхондарёнинг ҳамма бозори икки томчи сувдай бир-бирига ўхшайди: «тадбиркор»ларнинг олдидаги пештахтада қотган сақич, қоғози кир шоколад, муддати ўтиб сарғайиб кетган таблеткалар, ялтир-ялтир латталар...

Ўн бешдан ортиқ турдаги фаолият билан шуғулланаётган «Аброр»нинг бунақа «тижорат дўкон»и йўқлиги кишини умидлантиради.

Экзюперининг «Кичик шаҳзода» асарида бир зот бор. Унга қизил ғиштин деворли, деразасида ёронгул очилиб турган уйни кўрдим, десангиз, ҳеч вақони тасаввур қилолмайди. Бордию юз миллион сўм турадиган уйни кўрдим, десангиз, ҳайратланиб ўҳ-ҳу, ана гўзаллик, дейди.

Ёзувчининг ҳазили ўз йўлига-ю, рақамлар гоҳида кўп нарсани англатади. «Аброр»нинг мол-мулки бир неча миллиарддан ошди. Ихтиёрида битта трактор ва «КамАЗ» бор. Ўтган йили 30 миллион даромад қилган. 30 нафар ишчи ишлаяпти. Яна 60 ўринли тикув цехи қуриляпти. Икки қаватли.

Хайриялар бериб турибди. Қишлоқнинг уч километр йўлини асфальтлаб берди. Яқинда патли гилам тўқиш цехи ишга туширилди.

Инглизларда «хобби» деган нарса бор. Ўзбекча «эрмак» деган сўзга тўғри келади. Абдусамадбойнинг хоббиси шуки, каклик бедана, товус, тўти боқади.

Қайси бир йили Қурамадаги 13-мактабнинг ўқувчиларини туманга қушлар кўригига таклиф қилишди. Мактабда эса қуш тугул, тошбақа ҳам йўқ. Аммо директор Нормурод Қодиров ўзини йўқотиб қўйгани йўқ: Абдусамадникига чопинглар, деди.

Алқисса, Абдусамадбойнинг манзарали қушлари мактабга муносиб ўринни олиб берди.

— Эндиги хоббим шу корхона бўлиб қолган, — дейди Абдусамадбой ака. — Чарчаб келсам, корхонани бир айланиб чиқаман, чарчоғим зумда тарқалиб кетади.

Абдусамад Иброҳимов Олтинсойда тадбиркорлик бўйича жамоатчилик кенгашининг раиси бўлиб ишлайди. Туман ҳокими тадбиркорлик ишлари бўйича у билан маслаҳатлашади.

Бизнинг Сурхонда манавиндай гап юради: худонинг ўзи бермаса, киши эшак бозорга даллол ҳам бўлолмайди. Яна худо берган давлатни қувган билан кетказиб бўлмас ҳам дейдилар. Ишбилармон Абдусамад Иброҳимовнинг эл манфаати йўлида, одамлар хизматида камарбаста хизматларини кўриб худо марҳаматини дариғ тутмаган йигитлар саноғига қўшганингизни ўзингиз ҳам билмай қоласиз.

Ўзбекистоннинг пешонасига шундайлар омон бўлсин.

**Абдуғаффор ОДИНАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ МАКТАБ-ЛИЦЕЙ**

**Интернат типидаги лицейнинг ўнинчи ва ўн биринчи синфларига тўққизинчи ва ўнинчи синфларни «яхши» ва «аъло» баҳоларга тугатган ўқувчиларни**

**ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ 2-НАВБАТИ БОШЛАНДИ**

Машғулотларни институтнинг тажрибали профессор-ўқитувчилари ўзбек ва рус тилларида олиб борадилар.

**Ҳужжатлар 10 августга қадар қабул қилинади.**

Лицейга қабул қилинган ўқувчилар ётоқхона ва уч маҳал иссиқ овқат билан (50 фоизи ота-оналар ҳисобидан) таъминланадилар.

**Номзодлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:**
1. Ректор номига ариза.
2. 9-синфни битирганлиги тўғрисида шаҳодатнома.
3. 10 ва 11-синфлар учун давомат табели.
4. Тиббиёт варақаси (086 Ў шаклида).
5. 3×4 ҳажмидаги фотосурат (12 дона).
6. Оилавий шароити ҳақида маълумотнома.

**Мурожаат учун манзилгоҳ:** Тошкент, 700000, ГСП Қори Ниёзий кўчаси, 39. 12-ўқув биноси, 4-қават.
**Телефон:** 35-33-54.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**
**ГЕНЕРАЛ ПЕТРОВ НОМЛИ РЕСПУБЛИКА МУСИҚАЧИЛАР ТАРБИЯЛОВЧИ МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ**
**1994-95 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА**
**ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:**

**Флейта, гобой, кларнет, фагот, волторна, труба, трамбон, туба, зарб билан чалинадиган асбоблар.**
**Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.**
**Уқишга 4-синфни тугатган ўғил болалар қабул қилинади.**
Қуйидаги ҳужжатлар ҳавола қилинади:
1. Тиббий маълумотнома.
2. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома.
3. Турар жойидан маълумотнома.
4. 2 та фотосурат.

**Аризалар 1 августдан 1 сентябргача қабул қилинади.**
**Бизнинг манзилгоҳ:** Тошкент шаҳри, 700207, «Ғалабанинг 40 йиллиги» мавзеси, 2-квартал, 28-уй.
**Автобуслар:** 39, 110, трамвайлар: 2, 9, 6. «Гўзал» бекати. **Телефон:** 97-96-40.

## ҚУТЛОВЛАР

Меҳрибон дадажонимиз, меҳнат фахрийси, газеталарнинг фаол жамоатчи қаламкаши Абдулла Толип ўғли! Сизни 58 ёшга тўлганингиз билан чин юракдан қизғин қутлаймиз. Сизга узоқ умр ва сиҳат-саломатлик тилаймиз.

**Рафиқангиз, фарзандларингиз, куёвларингиз ва набираларингиз.**

* * *

Азиз рафиқам, ширинтой фарзандларимиз онажониси!

Туғилган кунингиз муборак бўлсин! Узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва шифокорлик касбингизда катта муваффақиятлар тилаймиз.

**Турмуш ўртоғингиз — Олимжон, фарзандларингиз — Бунёджон, Диёрахон, Новимахон.**




Келажак процессори



*Power Macintosh 6100/60* *Power Macintosh 7100/66* *Power Macintosh 8100/80*

бугунги Макинтошларда ишламоқда

**Бугун Apple Computer фирмаси Сизнинг эътиборингизга Power Macintosh - PowerPC процессорлар асосида ишлайдиган биринчи компьютерларини ҳавола этади**

PowerPCтехнологияси шахсий компьютерларнинг қиёфасини ўзгартиради. У билан бирга Apple™ Макинтош компьютерларининг янги авлоди яратилмоқда.

Power Macintosh илгари фақат компьютер тармоқ серверлари ва оғир ишчи станциялар бажара оладиган унумдорликка эга. Бундай қувват уни нутқ, видео ва телекоммуникацияларни ажратиш қобилияти бирлаштирган, Apple-ни графика ва AudioVideo-технологияларида алоҳида фойдаланиш учун жадвал ҳисоблаш масалаларга мумкин қадар яроқли қилади.

Power Macintosh ўзбек ва рус тилларидаги операцион тизимларига эга бўлган ҳолда, Макинтош учун тузилган минглаб дастурлар билан ва, ундан ташқари, DOS ва Windows билан қўшилиб ишлайди. Янги ечим RISC-PowerPC процессорининг афзалликларидан тўла фойдаланиётган ўнлаб амалий дастурларга эга.

Ҳозир биз ҳар бирининг унумдорлиги Intel Pentium процессори негизидаги машиналарга тенг балки устун турадиган учта турдаги Макинтошларни тақдим этамиз:бу арзон Power Macintosh 6100/60, унумдорли 7100/66, ва энг қувватли модель - 8100/80.

Янгича ечимнинг афзалликлари фақат Power Macintosh туркумигагина таалуқли бўлиб қолмасдан, балки мавжуд Макинтош моделларининг кўпчилигини қўшимча платалар ёрдамида замонавийлаштириш мумкинлигидадир.

Агар келажагингиз компьютерлар билан боғлиқ бўлса, шундай қилингки, унда келажак учун ҳам жой топилсин.

**PowerPC™ Macintosh**

*Келажак етиб келди. Ва у Сиз кутганингиздан ҳам яхшироқдир*

*Кўпсонли дилерлар Сизнинг хизматингизга тайёр. ABSYS- Asian Business SYStems Apple Computer, Inc. корпорациясининг Ўрта Осиё давлатларидаги расмий дистрибьюторидир. Қўшимча маълумотни 32-38-68 телефон орқали олишингиз мумкин. Дилерлик бўйича таклифлар қабул қилинмоқда © Apple Computer, Inc. 1994. Муаллифлик ҳуқуқлари сақланади. Apple, Apple логотипи, Макинтош, Macintosh ва Power Macintosh - бу Apple Computer, Inc.-нинг рўйхатга олинган савдо маркаларидир. PowerPC- бу International Business Machines корпорациясининги рўйхатга олинган савдо маркасидир ва лицензия бўйича ишлатилмоқда. ABSYS- бу Asian Business SYStems- Authorized IMC компаниясининг рўйхатга олинган савдо маркасидир. Ушбу реклама Macintosh компьютерида тайёрланган.*

# «ЖЎРА» ПУЛ—БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

**БЎЙИЧА 1994 ЙИЛ 10—11 МАЙ КУНЛАРИ ЖАРҚЎРҒОН ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН БИРИНЧИ ТИРАЖНИНГ**

## РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

(Давоми. Боши 62- ва 64-сонларда).

| Серия номери | Билет номери | Ютуққа чиққан буюмлар номи ёки пул ютуғи миқдори (сўм-купон) | Ютуққа чиққан буюмларнинг қиймати (сўм-купон) |
|---|---|---|---|
| 014063 | 091* | 1000 | |
| 014076 | 050* | 1000 | |
| 014119 | 093 | 1000 | |
| 014180 | 073* | 1000 | |
| 014243 | 086* | Совға | 15.000 |
| 014261 | 021* | 10.000 | |
| 014288 | 021* | 1000 | |
| 014310 | 1—100 | 200 | |
| 014324 | 1—100 | 100 | |
| 014329 | 078* | 2×3 метрли гилам | 70.000 |
| 014350 | 1—100 | 100 | |
| 014380 | 009* | 1000 | |
| 014442 | 075* | Совға | 15.000 |
| 014568 | 042* | 1000 | |
| 014855 | 015* | 1000 | |
| 014882 | 1—100 | 200 | |
| 014931 | 015* | Совға | 15.000 |
| 014978 | 082* | 500 | |
| 015028 | 060* | 25.000 | |
| 015068 | 1—100 | 200 | |
| 015106 | 083* | 10.000 | |
| 015149 | 054* | 2×3 метрли гилам | 70.000 |
| 015197 | 1—100 | 200 | |
| 015220 | 018* | 50.000 | |
| 015287 | 090* | 500 | |
| 015319 | 021* | 1000 | |
| 015332 | 089* | 10.000 | |
| 015586 | 063* | 50.000 | |
| 015724 | 075* | 10.000 | |
| 015725 | 013* | 25.000 | |
| 015742 | 054* | видеомагнитафон | 200.000 |
| 015757 | 067* | 10.000 | |
| 015788 | 054* | 50.000 | |
| 015995 | 078* | 10.000 | |
| 015999 | 1—100 | 200 | |
| 016018 | 061* | 50.000 | |
| 016029 | 1—100 | 100 | |
| 016168 | 040* | 1000 | |
| 016216 | 044* | 10.000 | |
| 016312 | 038* | 1000 | |
| 016436 | 081* | 1000 | |
| 016453 | 1—100 | 200 | |
| 016498 | 035* | 1000 | |
| 016543 | 055* | 10.000 | |
| 016573 | 022* | 1000 | |
| 016653 | 1—100 | 100 | |
| 016666 | 079* | 10.000 | |
| 016845 | 1—100 | 100 | |
| 016993 | 1—100 | 200 | |
| 016900 | 069* | 2×3 метрли палос | 35.000 |
| 017007 | 060* | 2×3 метрли палос | 35.000 |
| 017009 | 1—100 | 100 | |
| 017058 | 080* | 1000 | |
| 017067 | 1—100 | 200 | |
| 017084 | 056* | 1000 | |
| 017090 | 1—100 | 200 | |
| 017102 | 013* | 1000 | |
| 017147 | 005* | 1000 | |
| 017166 | 040* | 1000 | |
| 017174 | 037* | 10.000 | |
| 017322 | 041* | 1000 | |
| 017335 | 085* | 1000 | |
| 017358 | 1—100 | 200 | |
| 017395 | 065* | 1000 | |
| 017405 | 1—100 | 100 | |
| 017424 | 036* | 10.000 | |
| 017425 | 088* | 10.000 | |
| 017649 | 091* | 10.000 | |
| 017765 | 048* | 1000 | |
| 017782 | 011* | 10.000 | |
| 017797 | 091* | 10.000 | |
| 017800 | 061* | 1.000.000 | |
| 017864 | 052* | 1000 | |
| 017866 | 061* | 25.000 | |
| 017907 | 091* | 10.000 | |
| 017983 | 1—100 | 100 | |
| 017989 | 098* | 1000 | |
| 018059 | 1—100 | 100 | |
| 018072 | 015* | 1000 | |
| 018074 | 075* | 1000 | |
| 018099 | 089* | 1000 | |
| 018115 | 030* | 500 | |
| 018120 | 044* | 1000 | |
| 018139 | 076* | 1000 | |
| 018259 | 1—100 | 200 | |
| 018411 | 1—100 | 200 | |
| 018451 | 077* | 10.000 | |
| 018467 | 004* | 1000 | |
| 018492 | 005* | 25.000 | |
| 018528 | 077* | 10.000 | |
| 018563 | 048* | 1000 | |
| 018745 | 1—100 | 200 | |
| 018747 | 082* | 1000 | |
| 018748 | 098* | 1000 | |
| 019001 | 018* | 2×3 метрли палос | 35.000 |
| 019034 | 037* | 1000 | |
| 019053 | 010* | 1000 | |
| 019055 | 087* | 1000 | |
| 019170 | 008* | 2×3 метрли палос | 35.000 |
| 019173 | 059* | 50.000 | |
| 019218 | 008* | Совға | 15.000 |
| 019335 | 078* | 500 | |
| 019376 | 057* | Совға | 15.000 |
| 019738 | 055* | 25.000 | |
| 019794 | 072* | 1000 | |
| 019802 | 027* | 10.000 | |
| 019846 | 1—100 | 100 | |
| 019847 | 025* | 1000 | |
| 019896 | 026* | 1000 | |
| 019968 | 1—100 | 100 | |
| 020073 | 1—100 | 200 | |
| 020106 | 018* | Совға | 15.000 |
| 020113 | 075* | 10.000 | |
| 020133 | 060* | 2×3 метрли палос | 35.000 |
| 020174 | 1—100 | 200 | |
| 020208 | 039* | 1000 | |
| 020215 | 047* | 2×3 метрли палос | 35.000 |
| 020246 | 047* | 1000 | |
| 020277 | 087* | 1000 | |
| 020326 | 029* | 1000 | |
| 020355 | 1—100 | 200 | |
| 020383 | 090* | 1000 | |
| 020387 | 050* | 1000 | |

(Давоми навбатдаги сонларда эълон қилинади).

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Асилиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-33.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими—33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-54-87; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-59-83; Каршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самаркандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-3716.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди — 22.40
Г—1086 т. 72841 нусхада босилди.
Навбатчилар: К. РИХСИЕВ, У. ФАЙЗИЕВА.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй.

123456